

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ



ТОШКЕНТ ХАЛҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 2 (8492).

3 январь, 1985 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҚАРОРИ

РОССИЯДА 1905 - 1907 ЙИЛЛАРДАГИ РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1985 йилнинг январда Россияда 1905—1907 йиллардаги революция-империализм давридаги биринчи халқ революцияси бошланганга 80 йил тўлади. Бу революция ишчилар ва деҳқонларнинг, аҳоли бошқа табақаларнинг гўй кенг оммасини сиёсий ҳаётга уйғотди, янги тарихий давр—чучуқ социал-демократик ва революцион қанлар даври бошланганлигини аниқлади...

лоруссия, Балтика бўйи, Закавказье, Урта Осиё ҳамда бошқа миллий районларнинг ишчилари ва деҳқонлари рус биродарлари билан биргаликда чоризмга қарши курашга отландилар. Россия ишчилар синфи большевиклар раҳбарлигида социал-демократик ва революцион интelleктуалларни ягона кураш фронтини тuzиб пролетар интернационалини байроғини бағланд кўтарди. «Бешинчи йил» деб таъкидланган эди менинлар тузуми негизлари В. И. Ленин.— Россиядаги барча миллат ишчиларини бирлаштирди».

В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси революцион назариясини ишчилар ҳаракати билан амалдаги бирлаштиради янги типдаги партия халқ озолини курашининг олдинги сафида турди. 1905—1907 йиллардаги революция марксизм партияси ўз программасига, аниқ ишлаб чиқилган стратегия ва тактикасига эга бўлган мустақил сиёсий куч сифатида иш кураш жаҳон тарихидаги биринчи революцияга бўлган эди. Партия меҳнаткашлар оммасига мустақилликни, уларнинг орзу-умидлари ва муддаоларини ифода этиб, синфий жанглар давомида уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялади, чиқариб, пролетариат теварағида жиплаштирди.

Революция йилларида В. И. Лениннинг улуг назариячи ва пролетариат йўл бошчиси сифатидаги ижодий ҳақиқатимиз бўлди. У революционизм ва оппортунизмга қарши мурокасиз курашда марксизмининг қатъий туриб ҳимоя қилди ва янги тарихий шартлардаги таъбиқини ришолаштирди. Лениннинг империализм давридаги буржуа-демократик революциянинг хусусиятлари, унинг ҳаракатга келтирувчи қўллар ва социалистик революцияга ўсиб ўтиш йўллари тўғрисидаги, пролетариат ҳаракатини билан деҳқонларнинг революцион-демократик диктатураси ҳақидаги, муваққат революцион ҳукумат тузиш, аграр ва миллий масалаларни ҳал этиш йўллари тўғрисидаги, революция галабасининг гўй муҳим шартли сифатида янги типдаги пролетариат партиясининг раҳбарлик роли ҳақидаги голлари марксизм таълимоти синфий раҳбарлигини янги босқичга олиб бериб, бу голлар большевиклар партиясига янги асосланган стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш, меҳнаткашлар курашининг энг янги ва истиқболдаги вазибаларини белгилаб олиш имконини берди.

1905—1907 йиллардаги революция омманни катта сиёсий таъжирба билан бойитди, уларни онгли, тарихий ижодкорликка отлаттирди. Синфий курашининг янги форма ва вазиталари наиф этилди. Меҳнаткашлар оммай-сиёсий сатча сингари кудратли курулни биринчи марта ишга солдилар. Мос-

квадга декабрь курулли кўзголини революция чўқи-си, унинг энг юқори нуқтаси бўлди. В. И. Ленин қайт этиб ўтганидек, халқ «янгли даб сақоб олди. У кўзголида чиникиди. У саф-саб жангчиларни тайёрлаб берди, бу жангчилар 1917 йилда галаба қилдилар...»

Иваново-Вознесенскда, Петербург, Москва, Ростов, Саратов, Боку, Киев, Екатеринбург, Севастополь, Кострома, Чита, Красноярск, Иркутск, Смоленск, Ревельда, Уралда, бошқа кўпгина жойларда халқ тузаган ишчилар советлари, булардан кейин эса деҳқон депутатлари советлари билан солдат депутатлари билан солдат депутатлари билан революцион оқимиятнинг жанговар органлари сифатида иш кўрди. В. И. Ленин советларни музаффар Октябрь урил-несил қарор топтирган бўлгуси социалистик давлатнинг тими соли, деб билди.

Россияда 1905—1907 йиллардаги революция тарихий тараққийнинг умумий эҳтиёжларини ифода этиб, гўй катта халқро аҳамиятга эга бўлди. Бу революцияга Европа, Америка ва Осиёдаги маълум омма кизгин ҳайрихолик билдириб, уни қўллаб-қувватлади. Ишчилар синфининг интернационал бирдамлиги мустаҳкамланди. Кўпгина мамлакатларда революцион ва миллий озолик ҳаракатлари тўқини кўтарилиб, жаҳон капитализм системасининг умумий кризиси бошланганини аниқлаштирди.

Озолик ва демократия учун, эксплуататорларга қарши жангларда Россиядаги биринчи революция чоғида орттирилган таъжирба синфий курашда амалдаги ва практикасини талай даражада бойитди. 1917 йил февралда манфур чоризмин ағдариб ташланди. Октябрьда эса буржуазия ҳукмронлигини тугатишда халққа ёрдам берди. Бу таъжирба ҳозирда ҳам социал ва миллий озолик, социализм ва тинчлик йўлида курашаётган халқлар учун ўзгармас аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимиз социалистик курулиш давомида кураш ва галабалар шонли йўлини босиб ўтди. Совет халқи коммунистик партия раҳбарлигида эксплуатациянинг ҳамма формаларини тугатди. Лениннинг социализм куруш режасини рўйбга келтирди. Тарихан қисса муқаддасларда асрий ҳолоқлик бартарад этилди. СССР кудратли индустриал-аграр давлатга айланди. Қишлоқ хўжалиги социалистик асосда қайта курулиди, маданият революция амалга оширилади. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ индустриал-аграрнинг бузилмас иттифоқини таркиб топди. Халқнинг турмуш шартлари беқисс даражада яхшиланди. СССР-да янги типдаги социалистик демократия қарор топди, бу демократия граждандарга буржуа давлати шартотида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган ҳуқуқлар ва эркин-

ликларини гарантйалайди. Барча совет республикалари чинакам раваққа эришдилар. Халқлар тенглиги, дўстлик ва қардошлиқ реал воқелик бўлиб қолди.

Мамлакат коммунизмининг биринчи фазаси доирасида жуда илгариллаб кетди ва эндиликда янги, тарихан узоқ давом этадиган босқич—ривожланган социализм босқичига қадам қўйди. Уни планли равишда ва ҳар томонлама ривожланишинг бир муча яқин келажакда партия билан халқ фаолиятининг асосий мазмуну бўлиб қолади. Ривожланган социализм такомиллаштириш жараёнида коммунизм сари босқичима-босқич ҳаракат қилиб борилади. КПСС социал-иқтисодий тараққий йўлини оча бора туриб, партия XXVI съездининг, Марказий Комитет кейинги Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко-нинг нутқларига аман қилмоқда.

Иқтисодий ишлаб чиқариш самардорлигини, меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, фан-техника ютуқларини мақддаслик билан жорий этиш, экономайк бошқариш системасини, хўжалик механизмининг қайта куруш, омманнинг меҳнат ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантириш асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларини янгилаштириш ва ривожлантириш социализм такомиллаштириш соҳасидаги кўп қиррали ишнинг энг муҳим бўғини дид.

Халқ турмушининг моддий ва маънавий даражасини муттасил ошириб боришдан иборат асосий вазибал мустақил иқтисодий пойдеворга, совет ишчиларининг тобора салмоқли меҳнат натижаларига таъйиб, ҳал этил-мақддас. Партия социализмга хос социал адолат принципини бутун чоралар билан қарор топтириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Янги инсонни камол топтириш, шахсни гоёвий-маънавий жиҳатдан улуғлаш жамиятимизнинг энг муҳим мақсаси ва коммунизм сари босқичима-босқич ҳаракат қилиб боришининг асосий шартидир.

Партия жамиятнинг сиёсий системасини такомиллаштириш, халқнинг социалистик асосда ўзини-ўзи бошқаришини ривожлантириш вазибаларини ҳал эта бориб, меҳнаткашларнинг жамият ишларини бошқаришга кенг қўламда жалб этишга, уларнинг демократик ҳуқуқларини ўз бурчлари билан қўлиб олиб бораган ҳолда кенгайтиришга, меҳнат коллективларини умумдават ишларига янада активроқ жалб этишга биринчи даражада аҳамият бермоқда. Ривожланган социализм шартотида халқ депутатлари советларининг роли яна ҳам кўпроқ ошмоқда. Рос-

сиядаги биринчи революция деҳқон куч-ғайратини жа-лотиндек бирлиги совет тузу-ми негиз бўлиб, чинакам халқ ҳокимиятини таъмин-ламоқда. Советлар энг му-ҳим социал-иқтисодий ва сиёсий вазибаларини ҳал этишга жуда кенг омманнинг ижодий куч-ғайратини жа-лотиндек бирлиги турибди. Советларнинг фаолияти совет жамиятидаги барча синфлар ва социал гуру-пларнинг, миллатлар ва эл-ларнинг, барча авлодларнинг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

1985 йилнинг январда Россияда 1905—1907 йиллардаги революция-империализм давридаги биринчи халқ революцияси бошланганга 80 йил тўлади. Бу революция ишчилар ва деҳқонларнинг, аҳоли бошқа табақаларнинг гўй кенг оммасини сиёсий ҳаётга уйғотди, янги тарихий давр—чучуқ социал-демократик ва революцион қанлар даври бошланганлигини аниқлади...

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

26 минг тонна кўмир қазиб олинади, 100 та трактор, 100 та пахта териш машинаси тайёрланади, чакана нархларда 56 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Истеъмолчиларга аталган маҳсулотларни тўла-тўғиб ва ўз вақтида етказиб беришга, меҳнат унумдорлигини плавдан ташқари 1,3 процент оширишга эришилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстиришининг камида 90 процент меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қўлга киритилади. Атестациядан ўтказилган маҳсулот ҳажмида олий Сифат категорияли маҳсулот салмоғи 36 процентга етказилади.

Капитал маблағларининг самардорлигини оширишга, курулиш муддатларини қисқартиришга, таннархини камайитиришга ва сифатини яхшилашга эришилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш тошқини бир процент орттири билан бажарилади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва объек-тлари, шу жумладан: Янги Ангрэн ГРЭСининг янгикичи энергетика блоқи, «Ангрэн» разрезда кўмир қазиб чиқарувчи қувватлар, Тошкент трактор заводида қуёв иш-латилган ва социал-маънавий-маънавий объектлар бир маро-мда ва юқори сифатли қилиб фойдаланиш учун топ-штирилади. Ҳамма маблағлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўз вақти ишлаб чиқаришга қўриб битаказилади. Мук-нобил план қабул этилиб, 340 минг квадрат метр уй-жой қуриб битаказилади ва уй-жой қурилишида йўл қўйилган қолоқлик тугатилади.

1985 йилда ва умуман беш йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш планла-ри муддатдан илгари бажарилади. 435 минг тонна пахта тўла бўлишига эришилади, 560 минг тонна сабзавот, 75 минг тонна картошка, 48 минг тонна полив маҳсулотла-ри, 180 минг тонна мева ва узум, 2230 тонна пилла тай-ёрланади. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, мол боқилиш ях-шилаш ҳисобига ҳар бош снгарда 3170 килограмм сўт соғиб олинади, қўштак топириладиган қора молнинг ўртача вазири 400 килограммга етказилади. Қишлоқ хў-жалигида яроқли ерларнинг ҳар 100 гектары ҳисобига 82 центнер гўшт ва 225 центнер сўт олинади. Қорхона ва ташқи-лотларнинг ёрдамчи хўжаликларда гўшт ва сўт ештириш 10 процент кўпайтирилади. Юк ташин йиллик плани барвақт бажарилади. Ҳамма турдаги транспортда қўшмача равишда 500 минг тонна юк ташилади. Пассажирларга хизмат қилиш маданияти оширилади. Сағдо ва маънавий хизмат қорхоналари ишнинг сифати яхшиланади. Чакана товар обороти ва маънавий хизмат қўрсатиш юзасидан белгилаган планлар ҳамда топи-риқларнинг муддатидан аввал бажарилиши таъминлана-ди. Тошкент шаҳри ва областнинг меҳнаткашлари 1985 йилги план ва социалистик мажбуриятларни ва умуман ўн биринчи беш йиллик планини шараф билан бажара-миз, партиянинг бўлажак XXVII съездининг меҳнатда янги ютуқлар билан ишонлаймиз, деб КПСС ленинчи Мар-казий Комитетига ваъда берадилар.





САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

МУХТОР Ашрафий номдаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта залда республикамиз композиторларининг янги асарлари ижро этилди ва муҳокама қилинди.

Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли олтмиш йиллигига бағишланган мазкур асарларни Муҳиддин Қориевнинг номидаги Узбекистон ССР Давлат филармониясининг симфоник оркестри, хор капелласи ҳамда Узбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг хизмат кўрсатган хор коллективи санъат ихлосмандларига тақдим этилди.

Композиторларнинг янги ижодий изланишлари юзасидан муҳокамада сўзга чиққан нотиялар мазкур музика асарларини атмосфера таҳлил қилди.

Ғ. РУСТАМОВ.

«ЗЕБУННИСО» ОПЕРАСИ

Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таъриқли композитор Сайфи Жаид унинг «Зебунисо» операси бўлиб республикамизда кенг танилди.

Сайфи Жаид музиканинг опера жанрига ҳам қўл урди. Шояр Зебунисога бағишланган бу саҳна асари ҳам лирик оҳанг насб этиб, гармоник жиҳатдан ўзинга хос бадиий хусусиятга эга бўлди.

«Зебунисо» композиторнинг биринчи йирик операсидир. Уни Алишер Навоий номи Давлат академик Катта опера ва балет театрида кўрсатиш планлаштирилган.

С. ОДИЛОВА.

ЭСДАЛИК МАРКА

СССР алоқа министрилиги атоқли давлат ва снесат арбоби, Совет Иттифоқининг қалин дўсти Хандишан Бош министри Индира Ганди хотиралига шилланган махсус почта маркасини муомалалга чиқарди.

Маркада — И. Ганди портрети, эсдалик лавҳа ва Хандишан халқи шонли қизи яшаган йиллари берилган. (ТАСС).

«СССР — МЕНИНГ ВАТАНИМ»



ЭНИГА: 3. Украина ССР таркибидagi Қора денгиз бўйида жойлашган область. 6. Хоразм областидаги район. 7. Узбекистондаги оловкорлар шаҳри. 10. Тянь-Шаннинг шимоли-ғарбидagi хилма-хил қазилма бойликлар ва жойлашган тоғ тизмаси. 11. Ғи тўрт Туркистон комиссаридан бири. 12. Иттифоқдан республика пойтахти. 17. Днепр дарёси ласт текислигидagi санаторий. 15. Урта Осиёдаги тама тоғ. 16. Тошкент яқинидаги қадимий шаҳар. 19. СССРнинг шимоли шарқидagi область. 20. РСФСР таркибидagi автоном республикалардан бири. 21. Сурхондарё областидаги шаҳар. Кроссворднинг тузувчи Ф. ОРИПОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Янги йил арафасида «Ташсельмаш» заводининг 113-болалар боғчасига Қор-бобо билан Қорқизнинг келиши кичиктойларнинг қувончига қувонч қўшди.

СУРАТЛАРДА: боғчада арча байрами.

В. Портнов фотолари



МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БУЎЛАБ

ДЎСТЛИККА СОДИҚ СИЙМОЛАР

Улуғ тожик шоири Абдураҳмон Ҳомий билан буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг самимий дўстлиги ва ижодий ҳамкорлигида ўзбек ва тожик адабиёти, маданияти XV асрнинг иккинчи ярмида ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди.

аллома олим бўлган. Унинг ижоди фақат тожик адабиётининг эмас, балки барча форс тилидаги адабиётларнинг келгуси ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Ундан бизга, айти дoston мазмуни ва бошқа асарлар етиб келган. Пештаҳалларда кучли камолот соҳиб бўлган Ҳомийнинг «Юсуф ва Зулейха» (1893), «Кулибета» (1905), «Ҳафт аврағ» (1914), «Нафиса ул-ун» (1915) каби асарларининг лирографик нашрлари номийш эдилган.

Экспозицияда бундай йирик картиналар кўп бўлиб урғиди. Рассом Пантохиннинг «Абдураҳмон Ҳомий (1968 й.)» деб номланган портрети, машҳур халқ рассоми, профессор Ч. Ахмеровнинг «Ҳомий ва Навоий» (1981 й.) номи асарлари томошбинларда қизиқти уйғота олиши билан характерлидир.

Айниқса, машҳур мўйқалом соҳиб Қосим Али томонидан 1525 йилда яратилган «Навоий ва Ҳомий шайх Низомий хузурда» номи миниатюра ҳар қандай санъат муҳлиси диққатини ўзига тортади.

Навоий йирик давлат арбоби сифатида кўп ва кўп кишилар билан мулоқотда бўлган, юзлаб санъат аҳлига Ҳомийлик қилган, муҳаббат кўп шоғирлар етиштирган. Бироқ унинг энг яқин дўсти, устози ва маслакдоши Ҳомий эди. Ҳомий инҳоятда махсуддор шоир ва

Ҳомий бироқ асар ёзса, биринчи гада Навоийга тақдим этар, ундан асрига баҳо бериши, ютуқ ва камчиликларини айтишини талаб этар эди. Бу икки улуғ сиймо гарчи икки тилда ижод қилган бўлсаларда аммо ижодий йўналишда бир максатга интидилар. Навоий Ҳомийнинг афродидан кейин дўстлик хотира-ларини абадилаштириш мақсадида унга бағишлаб «Хамсатул-муҳаббайрини» («Беш хайрат») номи махсус асар ёзди.

Ҳомий ва Навоийнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ўзбек ва тожик адабиётлари ўртасидаги азалий қардошлиқнинг ёрқин тимсолидир.

Б. ВАЛИЕВ, А. Навоий номи Узбекистон Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

УЛКАН ГЛОБУС

Мамлакатимизда энг катта глобус В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети география факультети ўқув қўлланмалари орасида фохрли ўрин олди. Унинг диаметри икки метру 14 сантиметр.

(УзТАГ).

ХАР ТУҒРИДА

ҚАНД СУВ УРНИДА Виз СУВСИЗ ҳаёт мумкин эмас. Деб ҳисоблашга одатланганми. Ваҳоланки, замбуруғларнинг айрим турлари, нон ачиткилари, сахарларда усидан қатор ўсимликлар суви батамом чиқариб ташланганда ҳам яшай олар экинлар. Бунга қандай қилиб эришилди? Тадиқотлар уларни қанд асрашини кўрсатди. Тугрири, тригало модаласи. Қуриш жараянида худди шу модала сув

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМИЛ ЕРМАТОВ номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси 1985 йилда ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлади. Кино санъати ижодкорлари бу улғу санани муносиб қутиб олиш учун янги-янги асарлар устида ишламоқдалар.

«ХАЙР, ЯМ-ЯШИЛ ЁЗ!»

«ДАХОНИНГ ЁШЛИГИ» фильми учун 1984 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган кинорежиссёр Элёр Шимухамедовнинг «Хайр, ям-яшил ёз!» фильми устидаги ишларини ниҳоятга етказди. Э. Шимухамедовнинг «Нафосат», «Севилганлар» каби ленталарида ёшларнинг ички дунёси, уларнинг интилишлари ўзинга хос ёритилди.

«Хайр, ям-яшил ёз!» фильмида эса ёшларнинг ҳаётда учраган тўғриларни энгиб, жамиятда ўз ўринларини топишга уринишлари кўрсатилди. Войлик кетидан қувиш, маманлик каби яллатлар очиб ташланади.

«Нобоп қўниш»

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ авиацияси учувчиларига бағишлаб совет кино санъатида кўп ва кўп яратилган. Шундай мавзудаги «Нобоп қўниш» деб номланган янги ўзбек фильми ҳам ша-рафли ва ҳавф-хатарга тўла қасб эгалари фаолиятида бир саҳифа очди.

Мохир актёр ва истеъодли режиссёр сифатида танилган Муҳтор Оғамирзаевнинг мазкур картинасида ерга қўниш пайтида ҳалокатга учраган самолёт экинжи-нинг тарихи ёритилди. Ҳалокат натижасида командир Соловьев ҳаётдан кўз юмади. Узоқ текширувлардан сўнг аёл лейтенант Темур Назаровда эканлиги маълум бўлади. Унинг ўзи ҳам айдорлигини бўйинга олади. Учувчи-инспектор Жаббор Назаровнинг айдорли-

ўрини босар экан. У хужайра мембраналари юзасидаги молекуларлари бир-бирдан ажратиб, уларнинг сочилиб кетишига, оқсилларга эса епишиб қолшига йўл қўймайди.

Бунинг устига олимлар тригализан оқидан сингирилас хар қандий хужайрадан узи Улидирмаган ҳолда суви тўла чиқариб ташлаш мумкин эканлигини аниқлади. Бундан шундай ҳулосага келиди: бу ҳолатдан махсудотларни консерва қилишда фойдаланиш мумкин экан.

ЭРКАК ЮРАГИ БИЛАН

САН-ДИНГО шаҳрида яшовчи Бети Снайт жаҳондаги эркак юраги билан кўзи



«КУНДАЛИК ДАФТАР, ХАТ ВА БИРИНЧИ СИНОФ ҲУҚУВЧИСИ»

МАРКАЗИЙ телевидение буюртмасига биноан режиссёр Ҳабибулла Файзиев ёзувчи Латиф Маҳмудов асари асосида суратга олган икки серияли «Кундалик дафтар, хат ва биринчи синоф ҳуқуқчиси» фильми бола-ларга бағишланган.

Фильмнинг ёш қаҳрамонлари бахт ҳақида, ростгўйлик ва ҳалоллик ҳақида баҳслашиб қоладилар. Болаларга хос қизиқонлик билан бўлиб ўтган бу тортишув уларнинг келажакда ҳақиқатгўй, олижаноб инсон бўлиб етишишларида муҳим босқич бўлиши, шубҳасиз.

Зеро, ёш қаҳрамонлардан бирининг «Бахт — бу тоза вилдон билан яшаш демандир», дея жавоб бериши ҳам бежиз эмас. Бош роллари фамилиядош ўқувчи-актёрлар Улуғбек ва Равашан Ҳамроевлар ижро этган.

Ж. АСАДОВА.



● СУРАТЛАРДА: «Хайр, ям-яшил ёз!» ва «Нобоп қўниш» фильмларидан кўринишлар.

А. Лопатин ва И. Исмаилов фотолари.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

МАКТАБ ҲУҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА БУТУНИТТИФОК «ЭРТАК» КИНОФЕСТИВАЛИНИ УТКАЗАДИ

- ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ «ОЛМАЛИҚ» КИНОТЕАТРИ 3-4 январь — Жаҳонда энг яхши Карлсон. 5-6 январь — Буратино саргузаштлари. 7-8 январь — Ажойиб Дубравка. 9-10 январь — Ғи яхши ой. БЕКОВОЙ ШАҲРИ «ОКтябрь» КИНОТЕАТРИ 3-4 январь — Қиш ва икки портфель. 5-6 январь — Мени ҳам ола кетгин. 7-8 январь — Олтин отли чавандоз. 9-10 январь — Сен қаердасан, Багира? ЧИНОЗ ШАҲРИ «ВАТАН» КИНОТЕАТРИ 3-4 январь — Ажойиботлар эртаги. 5-6 январь — Қорбобо ва кул ранг бўри. 7-8 январь — Халол сеҳргар. 9-10 январь — Гуттаперча бола. ЧИРЧИҚ ШАҲРИ НАВОИЙ НОМЛИ КИНОТЕАТР 3-4 январь — Булбул. 5-6 январь — Қўқ қуш. 7-8 январь — Қўнғирқоқ қузи. 9-10 январь — Шокалад аяни. ЧИРЧИҚ ШАҲРИ ХИМИКЛАР МАДАНИЯТ САРОНИ 3 январь — Пустомеля. 4 январь — Ҳаммаси бир кишига қарши. 5 январь — Қорбобо ва ёз. 6 январь — Простоквашинодаги каникуллар. 8 январь — Ёввойи оққушлар. 9 январь — Учинчи планета сирин. 10 январь — Простоквашинолик учқовлон. ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ «ҒАЗАЛКЕНТ» КИНОТЕАТРИ 3-4 январь — Вероника қайтмоқда. 5-6 январь — Қор малikasi. 8 январь — Тенгак сиқочча ҳақида эртак. 10 январь — Қумуш тақа. ЯНГИЙҒУЛ ШАҲРИ «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИ 3-4 январь — Шайтоғча. 5-6 январь — Мен бу ишни бошқа қилмайман. 7-8 январь — Қишқилчи бола ҳақида эртак. 9-10 январь — Қишлоқ урдаи.

МАЙДА БАЛИҚ ЛАЗЗАТИ

Овқатланишдан олдин бир булакча балиқни тановул этиш гоётда лаззатлидир. Одатда иштаҳа очиш учун шундай қилинади.

Сельдь иваси балиғи ўзининг хушхўрлиги билан ажралиб туради. Ундан бир қатор закусалар ва лаззатли таомлар тайёрлаш мумкин: Сельдь иваси балиғи қайнатилган картошка, пиширилган тухум, ошқуқлар, ўсимлик мойи, майонез билан қўшилган мазази яна ошари.

БИР НЕЧА РЕЦЕПЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ: СЕЛЬДЬ ИВАСИ БАЛИҚЛИ ҚУТТЕРБРОД Оқ ёнги қора нонга сарғи суриб, унинг устига 2—3 паррак картошка, бир жуфт сельдь балиғи лаҳм гўшти булакчаси, майонез қўйсиз, уни бир чымдим салат иғи укроп билан безалқайсиз.

Жавлар бугдой нонининг кичик бурдасига ёт суртасиз унга пишириб майда тўғралган тухум ва ошқўқ қўйсиз, устидан бир булак сельдь иваси балиғини қўйсиз. Буттербродни бир паррак бодринг билан ҳам безалқаш мумкин.

САБЗАВОТЛИ СЕЛЬДЬ ИВАСИ БАЛИҒИ Сельдь иваси балиғининг лаҳм гўштининг ажратиб оласиз, суяғини олиб ташлайсиз ва гўштининг майда тўғрайсиз. Тарелкага йирик кўзди қирғичдан ўтказилган лавлага ва картошка, тузланган бодринг, пиширилган тухумни бир қатлам қилиб терасиз. Шундан кейин устига иваси балиғининг булакларини, кейин сабзавотларни қўйсиз. Таомга майонез қўйсиз.

ИВАСИ БАЛИҚЛИ КАРТОШКАЛИ САЛАТ 100 грамм янги узилган бодринг, 100 грамм картошка, 1 дона ўртача сельдь иваси балиғи, 3 ош қошиғида қаймоқ, ош кўк керак бўлади.

Янги узилган бодринг ва қайнатилган картошкани кундик шаклида тўғрайсиз, унга майда тўғралган иваси балиғининг лаҳм гўшти ва укроп (кўк пиёз) қўйсиз, қаймоқ билан аралаштирасиз.

ХАНТАЛ ҚАЙЛАЛИ БАЛИҚ ТАОМ Сельдь иваси балиғини тозаллаб оласиз, уни пиёз парраги билан безалқайсиз ва устидан қайла қўйсиз. Бунинг тайёрлаш учун ярим стакан қаймоқ, икки ош қошиғида ўсимлик мойи, қайнатиб пиширилган тухумнинг яримта сариги, бир чой қошиқ шакар, ярим ош қошиғида хамтал керак бўлади.

Сельдь иваси балиғи унчалик шўр эмас, унинг гўшти майин ва хушхўрдир.

Мохир кўлли уй бекаси бундан ранг-баранг таомларни тайёрлаши мумкин.

«СОЮЗРИПРОМСБИТ», «РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ, «СОЮЗОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК ВИР. ЛАШМАНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (ТЕЛЕФОН 45-37-24).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН МТ-1. 9.00 — Время. 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпиони. 9.55 — «Мўжизасиз мўжизалар». 10.55 — Концерт. 11.25 — «Ҳақирланган дўст». Бадий фильм. 13.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.10 — «...16 йашга ва ундан катталар». 17.00 «Тўрт оғанининг ҳаёти ва саргузаштлари. Бадий фильм. 2-3-сериялар. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Кувноқ нотаналар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.25 — «Свеборг». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Хужағатли экран. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Шахмат бўйича жаҳон чемпиони. МТ-11. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Хужағатли фильмлар. 9.50 — «Клавя Иванова ҳақида». Телевизион бадий фильм. 11.10 — Болаларга ҳайванлар ҳақида. 11.40 — Бирла миллий раёс ансамбли ижро этди. 12.10 — «Денис Васильевич Давыдов». 13.15 — «Сиз яратган бағ». 13.45 — 14.25 — Мультифильм. 14.55 — «Рисоладаги эр». Бадий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Архитектура ва театр». 19.30 — Мультифильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин кичиктоилар». 20.45 — «Ҳақдустлик». 21.30 — «Время». 22.05 — «Петербург тўнин». Бадий фильм. 23.55 — Тўпли хоккей бўйича СССР чемпиони. «Зорий» — «Динамо». УзТВ-1. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Мультифильм. 10.30 — «Қорбобони кутамиз». 11.05 — «Финист — сарлочин». Бадий фильм. 12.20 — Кинопрограмма. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Ерелеш». Болалар учун ҳажвий киножурнал. 18.20 — Адабий алмазах. 19.05 — «Зангори экран» почтаси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Таджир». Телефильм. 20.00 — КПСС МК октябрь (1984 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Саҳронинг оппоқ кўши». Бадий фильм. 23.20 — Янгиликлар. УзТВ-11. 9.00—16.30 — МТ-11. 18.15 — Телефильмлар. 19.00 — «Инсон ва табиат». 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — «Орадан қанча йиллар ўтиб кетди». Бадий фильм. 1-серия. 21.30 — МТ-11.